



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ

Примов Обиджон Мусирманович
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17937474>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 11-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 15-dekabr 2025 yil

KEYWORDS

Ишни судга қадар юритиш, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, жиноят-процессуал ҳуқуқ, процессуал шакллар, жиноий иш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

ABSTRACT

Мазкур мақолада ишни судга қадар юритишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг асосий шакллари - терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговнинг мазмун-моҳияти ёритилган, шунингдек, уларнинг ўзаро фарқлари, амалий аҳамияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги ўрни таҳлил қилиниб, ушбу шаклларни қўллашда учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ҳам берилган

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Жиноятчиликка қарши курашнинг тўғри ташкил этилиши, жиноятларни олдини олиш ва фош қилиш, жиноят содир этган шахслар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, бу борадаги барча куч ва воситаларни ишга солиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш каби бир қатор тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Судга қадар юритиш шаклларини тўғри белгилаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини таъминлайди ва фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларини кафолатлайди. [1]

Ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади.

Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни

кўришдан иборат фаолиятдир. Терговга қадар текширув фаолиятини амалга ошириш жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувининг бошланғич босқичи ҳисобланади ва унинг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши жиноятларни ўз вақтида, тез ва тўла очиш, жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш учун катта аҳамият касб этади.

Ишни судга қадар юритишнинг шакллари, терговга қадар текширувнинг моҳияти ва унинг аҳамияти, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни бир-биридан фарқланиши, уларнинг мазмуни ва амалга ошириш тартиби таҳлил қилинди.

Жиноят-процессуал фаолият давомида жиноят процессининг мақсадларига эришишни таъминловчи бир қанча ҳуқуқий механизмлар мавжуд бўлиб, улар жиноят-процессуал фаолиятнинг амалга оширилиши тартиби, шакли ва мазмунини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойлардаги давлат органларининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш механизмини яратилишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу борада амалга оширилган ишлар хусусида “Биз суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки, Конституциямизда мустақамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир [2] деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (кейинги ўринларда - ЖПК)нинг 9-бўлимига мувофиқ судга қадар иш юритув босқичининг таркибига жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов киритилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан [3] суриштирув институтининг моҳияти тубдан ўзгартирилди, терговга қадар текширув органлари ва уларнинг ваколатлари алоҳида ажратиб берилди ҳамда **суриштирув дастлабки терговнинг шакли эканлиги** тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилди.

Э.Солиевнинг фикрича, “ишни судга қадар юритиш - жиноят ҳақида келиб тушган хабарни қабул қилиш, текшириш, жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш, шунингдек, айбловни асослаш учун зарур далилларни тўплашга қаратилган процессуал фаолиятдир”. [4]

Д.Миразовнинг фикрича, ишни судга қадар юритиш босқичи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- жиноят таркиби аломатларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;
- айбдор ва жабрланувчи шахсларни аниқлаш;
- далилларни йиғиш, мустақамлаш ва баҳолаш;
- жиноят ишини судга юбориш учун процессуал асос яратиш.

Муҳими шундаки, ишни судга қадар юритиш босқичи инсон ҳуқуқларини кафолатлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. [5]

Юқорида келтирилган таърифлар асосланган ва амалиётда ўз исботини топган бўлса-да, ушбу фикрларни қуйидагича тўлдириш мумкин. Бизнинг фикримизча, жиноят-процессуал ҳуқуқ тизимида ишни судга қадар юритиш жиноятнинг тез ва тўла очилиши, айбдор шахснинг аниқланиши ва адолатли суд муҳокамасига замин тайёрлашда муҳим ўрин тутаяди.

Ишни судга қадар юритиш шакллари - **терговга қадар текширув, суриштирув** ва **дастлабки тергов** киради. Булар жиноят-процессуал фаолиятнинг ўзаро турдош усуллари. Қонунда улар ўртасида муайян муносабат ўрнатилган бўлиб, ушбу муносабатга бир қатор умумий жиҳатлар ва фарқлар хосдир. Умумий жиҳатларга қуйидагилар киради: жиноятчиликка қарши курашдан иборат умумий мақсадлар, жиноят аломатлари мавжуд бўлганда ўз ваколати доирасида жиноят иши қўзғатишнинг бир хилда мажбурийлиги, фаолиятнинг ягона жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилиши, тергов ҳаракатларини ўтказишда ягона процессуал шаклларга риоя этиш, аниқланган фактларнинг тенг далилий аҳамиятга эга эканлиги ва ҳ.к.

Терговга қадар текширув - жиноят процессининг бошланғич босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар текширилади ҳамда жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш масаласи ҳал қилинади. Ушбу босқичда жиноий қилмишлар натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш амалга оширилиши жараёни бошланади.

Д.Миразовнинг фикрича, “Терговга қадар текширув - жиноят аломатлари ҳақидаги хабарни дастлабки текшириш тартибидир. Бу босқичда суриштирув ёки терговга етиб бормаган ҳолатларни ўрганиш, маълумотларни йиғиш ва қарор қабул қилиш (жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш) амалга оширилади. [6]

Юқорида келтирилган таъриф асосланган ва амалиётда ўз исботини топган бўлса-да, ушбу фикрни қуйидагича тўлдириш мумкин. Бизнинг фикримизча, терговга қадар текширув жиноят аломатлари ҳақидаги хабарни текширишда тезкорлик талаб қиладиган процессуал фаолиятдир.

Терговга қадар текширув - серқиррали тушунча бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида жиноят процессини амалга ошириш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳал этилади. Шунингдек, терговга қадар текширув - тўпланган материаллар юзасидан жиноий қилмиш мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. У дастлаб жиноят-процессуал институт сифатида намоён бўлиб, яъни жиноят иши қўзғатилиши ҳақидаги масаланинг ечилиши тартибини белгиловчи процессуал нормалар йиғиндисини ташкил қиладди. Терговга қадар текширув босқичидаги процессуал фаолият ЖПКда белгилаб қўйилган мансабдор шахс (терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор)лар томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур жараён белгиланган шароитларда ва махсус процессуал шаклларда юритилади.

Жиноят процессининг ушбу шаклида келиб тушган ариза ёки хабар бўйича тўпланган материаллар юзасидан кейинчалик амалга ошириладиган ҳаракатларнинг йўналишини белгиловчи аниқ процессуал қарор билан яқунланади. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масаланинг ечими - суриштирув ва дастлабки терговнинг умумий

вазифаларини бажаришга хизмат қилади. Ўз навбатида бу босқичда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари, яъни жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши ва унга нисбатан суднинг одилона ҳукм чиқарилиши учун айбдорларни фoш этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ҳам амалга оширилишини алоҳида таъкидлаш керак.

Бу жараён давомида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини кўзғатиш учун қонун белгилаган шартлар мавжудлигини текширади ҳамда жиноятнинг олдини олиш, унинг содир этилишини тўхтатиш, шунингдек унинг изларини белгиланган процессуал шаклда сақлаш ва мустаҳкамлашнинг тезкор чораларини қабул қилади.

Шундай қилиб, терговга қадар текширувда айрим тергов ҳаракатлари ўтказилади ва қатор процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилади ва жиноят ҳақида арз қилган шахс терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор, шунингдек жамоатчилик вакиллари каби суриштирув ва дастлабки терговнинг, ҳамда жиноят ишини юритишда иштирок этувчи процесс қатнашчиларининг вужудга келиши ҳам мазкур жиноят-процессуал муносабатлари жараёнида пайдо бўлади.

Ишни судга қадар юритишнинг шакллари қаторида суриштирув ва дастлабки терговни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Суриштирув ва дастлабки тергов, судга қадар иш юритувнинг алоҳида вазифаларга ва иш йўналишига эга бўлган турли шакллари дир. Суриштирув билан дастлабки тергов ўртасидаги фарқ шундан иборатки, жиноят-процессуал қонунчиликда судга қадар иш юритувининг ушбу шакллари ҳар хил органлар амалга ошириши назарда тутилган. Шунингдек, дастлабки тергов ва суриштирувни юритиш муддатларида, дастлабки терговни ҳамда жиноят иши бўйича суриштирувни юритаётган шахснинг процессуал ваколатлари ҳажмида ҳам фарқлар мавжуд.

Суриштирув - деганда жиноят процессида жиноятларни дастлабки тергов қилишнинг шаклларида бири тушунилади ҳамда суриштирув органлари томонидан жиноят ишлари бўйича ишни юритишнинг тартиби ва хусусиятлари ЖПКнинг 46¹-бобнинг 381¹-381¹⁷-моддаларида. [7]

А.Аширбоевнинг фикрича, суриштирув - кичик оғирликдаги жиноятлар бўйича амалга ошириладиган енгиллаштирилган процессуал шакл ҳисобланади. У тезкорлик, соддалаштирилган тартиб ва қисқартирилган ҳаракатлар билан тавсифланади. [8]

Юқорида келтирилган таъриф асосланган ва амалиётда ўз исботини топган бўлса-да, ушбу фикрни қуйидагича тўлдириш мумкин. Бизнинг фикримизча, суриштирув органлари айбланувчини сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мумкин бўлган процессуал жараёндир.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида бугунги кунда суриштирув органларининг ваколатлари кенгайтирилди, жумладан суриштирувчи ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасида [9] назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни судга юбориш, терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси

ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юбориш ваколатларига эга бўлди.

ЖПКнинг 38-моддасида белгиланган янги қоидаларга мувофиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув - ички ишлар органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия ва мазкур органларнинг жойлардаги бўлинмалари суриштирувчилари томонидан олиб борилади.

Суриштирув ЖПКнинг 38-моддасида келтирилган органлар ва мансабдор шахсларнинг қонун нормасига асосан уларнинг терговга тегишлилигини белгилаш қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қўзғатилган жиноят ишлари бўйича амалга оширадиган процессуал фаолиятидир.

Суриштирув органлари Жиноят кодексининг 15-моддаси 2-3-қисмларида кўрсатилган жиноятлар бўйича **бир ой** мобайнида:

- далилларни тўплаш ва сақлаш;
- жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш;
- жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш;
- шахсни гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш;
- айблов далолатномаси тузиш ва ишни судга юборишдан иборат фаолияти эканлиги билан белгиланди.

Жиноят процесси назариясида далилларни тўплаш тергов ҳаракатлари деб ҳам аталади. [10]

Д.Миразовнинг фикрича, дастлабки тергов - оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича амалга ошириладиган тўлиқ ва мукамал процессуал шаклдир. У барча процессуал кафолатлар, тергов ҳаракатлари ва мажбурлов чоралари қўлланилиши билан фарқланади. [11]

Бизнинг фикримизча, дастлабки тергов мулоқотдан тортиб экспертизагача бўлган комплекс жараёнларни ўз ичига олади.

Ҳозирда амалиётда қуйидаги муаммолар кузатилмоқда:

- терговга қадар текширув материалларининг етарлича тўпланмаслиги;
- суриштирув органларининг ваколатларини нотўғри қўллаши;
- дастлабки тергов муддатларининг ортиқча чўзилиши.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

Ишни судга қадар юритиш жиноят-процессининг муҳим босқичи бўлиб, унинг шакллари жараён самарадорлиги ва қонунийлигини таъминлайди. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўзаро боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий табиати ва вазифалари турлича.

Ҳуқуқий амалиётни шакллантириш учун органлар ўртасида мувофиқлаштиришни кучайтириш, рақамлаштириш имкониятларидан фойдаланиш ва процессуал муддатларни қатъий назорат қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 461-боб. 3811-38117-моддалар. www.lex.uz.
2. Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. - Халқ сўзи. 2017. 6 дек.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни // ЎР ҚҲТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда.
4. Солиев Э. Ишни судга қадар юриштида жиноятларни тергов қилиш соҳасини такомиллаштиришга доир халқаро тажриба. Академические исследования в современной науке, 2024. 3(27), 44–51.
5. Бердиалиев Б.Э. Ишни судга қадар юришти тартибини соддалаштиришга оид айрим мулоҳазалар// Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. - 141 б
6. Терговга қадар текширув: Дарслик // Турсунов Б.Р., Рустамбаев М.Х., Миразов Д.М., Файзиев Ш. Ф.– Тошкент : Сомплекс Принт, 2019. – 7 б.;
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 461-боб. 3811-38117-моддалар. www.lex.uz.
8. Аширбоев А.Т. Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг генезиси, унинг ўзига хос хусусиятлари // EJAR. 2024. №5-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/surishtiruv-va-dastlabki-tergovni-t-htatishning-genezisi-uning-ziga-hos-hususiyatlari>
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 661-моддаси. www.lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 87-моддаси. www.lex.uz.
11. Миразов Д. М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. докторлик диссертацияси автореферати – Т.:, 2016. – 105 б.